*Фаолларимиз*

***Хонқул Ҳамроевни жонкуяр, тиниб-тинчимас инсон сифатида анча йиллардан бери биламан. Мана бир неча йилдирки, у Зафаробод туман пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Талабчан раҳбарнинг саъй-ҳаракати билан корхона ишчи-хизматчиларининг иш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида изчил иш олиб борилаяпти. Жамоа аъзоларининг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлашга етарли эътибор қаратилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.***

# ОДАМЛАР ОРАСИДА

## ҳамиша одамлар ташвиши билан

Дунёқараши кенг, сиёсий онги мустаҳкам, тафаккур дунёси бой бўлган ҳар бир киши нафақат ўз иш жойида, балки жамоат жойларида ҳам ҳар бир воқеа-ҳодисага мустақил муносабатини, фикрини билдира олади. Жамиятда олиб борилаётган халқчил сиёсатни тўғри тушуниб етади. Касаба уюшма қўмитаси раисининг бевосита ташаббуси билан корхонада «Маънавият ва маърифат хонаси» ташкил этилган. Чиройли жиҳозланган бу хонада жамоа аъзоларининг янгиликлардан хабардор бўлишлари учун етарли шарт-шароит яратилган. Радио-телевизор, телефон мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, 12 номдаги газета-журнал тахламлари тартиб билан қўйилган. Айнан шу хонадан турли матбуот нашрларига обуна бўлган ишчи-хизматчилар газета-журналларини сонма-сон олиб туришибди. Энг қувонарли жиҳати шундаки, 2006 йил учун 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бу жамоада 400 га яқин турли матбуот нашрларига обуна расмийлаштирилди. Бекмурод Ғиёсов, Ўктам Қўчқоров, Жўрабой Шукуров каби ишчиларнинг ҳар бири 2-3 тадан газета-журналга ёзилдилар.

— 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилингани айни кўнглимиздаги иш бўлди, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Хонқул Ҳамроев. — Натижада нафақат жамоамиз ишчи-хизматчиларига ғамхўрлик қилиш, балки уларнинг фарзандлари тарбияланаётган таълим муассасаларига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатишга имконият туғилди. Масалан, тумандаги 1, 10, 14-мактабларни ўз оталиғимизга олганмиз. Уларда ўтказилаётган турли тадбирлар, спорт мусобақалари, таъмирлаш ишлари корхонамиз зиммасида.

Жамоанинг савобли ишлари кўп. Ҳар йили ўнлаб ишчи-хизматчилар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтмоқда. Бу ерда кўп йиллар ишлаб, эндиликда қарилик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари, ногиронлар касабақўм раисининг эътиборидан четда қолмаяпти. Масалан, Бўта Исмоилов, Жонибек Алиқулов, Владимир Скатский сингари пенсионерларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳар бирига ойига энг кам иш ҳақининг икки баровари миқдорида корхона ҳисобидан нафақа тайинланган.

Жамоа шартномасида жонкуяр раиснинг саъй-ҳаракати билан болали аёлларни тунги сменаларда ишлатиш, уларга қисқартирилган иш соатлари белгилаш каби бандлар аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Корхона қошида ошхона ишлаб турибди. Ишчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Тикув ва момиқ цехлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 18 нафар хотин-қиз жалб этилган. «Жилғача» болалар ёзги оромгоҳида ҳар йили корхона ишчи-хизматчиларининг 50 нафар фарзанди бепул дам олдирилаяпти.

Касабақўм раиси доимо одамлар орасида. Ҳамиша улар ташвиши билан яшайди. Уни у-бу масалада ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилувчилар кўп. Ҳаммасини ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаётир. Иш ҳақи бўладими, меҳнат муҳофазасими, ишчи коржомалари ҳақидами, қўйингки, барча масалаларни бамаслаҳат ҳал этиб уларнинг ечимини топишга эришмоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

*Меҳнатидан қадр топаётганлар*

***Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрнинг ҳар дами ғанимат. Буни яхши билган Усмонжон Эгамбердиев бу ҳаётда эзгулик яратиш мақсадида фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётир. Қадамидан ўт чақнайдиган, алп қоматли, хушчақчақ бу йигитнинг касби шифокор-онколог. Аслида у болалар касалликлари шифокори эди, кейинроқ шароит тақозосига кўра касбий йўналишини ўзгартирди. Тилаги — инсон кўнглида ҳаётга муҳаббат, умид уйғотиш.***

# «ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ»

*Лавҳа*

Тўрткўл туманида 392 нафар киши саратонга чалинганлар рўйхатидан жой олган. Қабулига келган беморнинг илтижоли нигоҳига кўзи тушар экан, Усмоннинг вужуди ўртанади. Имкон борича унинг дардига малҳам бўлишга интилади. Жарроҳлик йўли билан ёки нур, химия-терапея усулларини ўтказиб, маълум вақтга қадар бўлса-да, интиҳони кечиктириш мумкин-ку ахир...

Элмурод Ҳасанов атиги 16 баҳорни қаршилаяпти. Сон суягида ўсма пайдо бўлибди. Вақтида Усмонга учрабди, дарди ариди. Усмон тиббиёт фанлари номзоди, малакали шифокор Матчон Жуманазаров билан биргаликда Элмуродни ёвуз ҳасталикдан халос этишди. Ўшанда йигитча 13 ёшда эди. Ҳозир 16 га кирди. Протез билан юради, энг муҳими тирик. Сурурбахш бу ҳаётнинг завқ-шавқларини тўйиб яшаяпти. Нафармон тонгнинг оппоқ тилаклари дилига умид солади. Сабуҳий оқшомлар оила аъзолари, дўстлари даврасида шодмон ўтиради. Шунинг ўзи буюк саодат эмасми...

Машҳур рус учувчиси Алексей Мересьев жасорати ҳануз дилларни ҳаяжонга солади. Унинг саботи ва ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқи таҳсинга лойиқ. Тўрткўллик Ботир Ҳожиниёзов ҳам ана шундайлар сирасидан. Унинг дарди оғир эди. Миясидаги ўсма ҳаётига таҳдид солиб турарди. Сирасини айтганда, ундан бошқа биров бўлганида, аллақачон ўлиб кетган бўларди. Аммо ақл-заковатли, ажойиб бу йигит касаллик билан мардонавор курашди. Ўсма ўсиб борарди. Уч бора жарроҳ столига ётди. Ҳар гал ҳушига келар экан, қуруқшоқ лаблари оҳиста шивирлайди. «Яшайман, яшашим керак»...

Самандар Каримов қизил ўнгачидан саратонга чалинди. Юз-кўзлари файзли, ғоят чиройли, олижаноб Самандар ажал чангалидан қутула олмади. Усмоннинг қўлида жони узилди. Шифокор чорасизлик ва аламдан чинқириб юборай дер, кўзларидан оқаётган ёшни тўхтата олмасди. Бу унинг шифокорлик ҳаётидан олинган айрим чизгилар, холос...

Усмоннинг яна бир бошқа хислати ҳам бор. У соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тўрткўл туман кенгаши раиси. Янада бошқачароқ айтадиган бўлсак, жами 1395 нафар касаба уюшма аъзосининг сарбони. Меҳнат аҳли ўртасида кенгаш раисининг обрўйи баланд. У тутган жойидан кесадиганлар хилидан.

Шаҳар поликлиникасининг ҳамшираси Муҳаббат оёғидан саратонга чалиниб, зўрға жони асраб қолинган, беозор, тинчгина поликлиникада ишлаб юрарди. Лекин, айримларнинг кўзига у чўп бўлиб кўринган шекилли, маҳаллага қатнайдиган ҳамшираликка «ўтасан» дейишди. «Соғлигимга тўғри келмайди», деганди, баҳонага йўйишди. Пировардида Муҳаббат касабақўм раисига учради. Унинг аралашуви билан ўз жойида қолди. Бундай мисоллардан юзлаб келтириш мумкин. Жами 42 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси таркибида 32 нафар кам таъминланган, 23 нафар ишлаётган ногиронлар ва шунга ўхшаш ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар бор. Уларнинг муҳофазаси кун тартибидаги долзарб масаладир. Чунончи, ходимларнинг соғликларини тиклашга ҳамда уларга қулай иш шароитлари яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 12 нафар касаба уюшма аъзоси «Чортоқ», «Турон» ва шунга ўхшаш энг яхши санаторий, дам олиш уйларида даволаниб ҳамда ҳордиқ чиқариб қайтди. Шунингдек, меҳнат аҳлининг 42 нафар ўғил-қизи мавсумда соғломлаштирилди. Иш берувчи Камолиддин Исмоилов билан кенгаш раиси ўртасида баҳамжиҳатлик барқарор. Улар биргаликда амалий, ташкилий ишларга катта эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, ходимларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Улар ўртасида қизиқарли спорт мусобақаларини ташкил этиш ишлари жонлантириляпти. Спорт майдончаларини ташкил қилиш, турли спорт жиҳозлари сотиб олиш режалаштирилмоқда.

Усмон ўзини бахтли ҳисоблайди. Ўз касбини севади. Одамлар ҳурмат қилади. Уйда эса гўзал рафиқаси Дилфузахон, бир-биридан ширин кўзмунчоқдек уч нафар ўғил-қизи бор. Рўзғори бут, хонадони обод. Эртанги кундан унинг умидлари янада кўп.

**Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Яқинда Юртбошимиз Тошкент шаҳридаги «Талабалар шаҳарчаси»га ташриф буюриб, ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Учрашувда «Талабалар турар-жойлари»да барча қулайликларни ўзида мужассамлаштирган шароитни яратиш, ёшларга изланишлари учун кенг имконият бериш каби бир қатор масалаларга тўхталди. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти маъмурияти ҳам бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда мана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.***

# ТАЛАБАЛАР ТУРАР-ЖОЙИ

## уйдагидан кам эмас

Институтда 2 та «Талабалар турар-жойлари» мавжуд бўлиб, биринчиси таъмирдан чиқарилган эди. Ҳозирда 2-«Талабалар турар-жойи»да капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Институт маъмурияти талабаларга шарт-шароитлар яратиш борасида барча ишларни режа асосида босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Ёшлар учун кўнгилдагидек шароит яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан безалган дам олиш, маънавият, компьютер хоналари ва барча қулайликларга эга бўлган ювиниш, санитария хоналари, ошхона, тиббий маскан ҳамда кутубхона талабалар хизматида.

Ҳар бир жойнинг, ташкилотнинг қонун-қоидаси бўлиши ва унга амал қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам «Талабалар турар-жойлари» фаолиятига оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, «Талабалар турар-жойлари тўғрисида»ги Низом, «Талабалар турар-жойларига кириш-чиқиш тартиби» шулар жумласидандир.

Ёшларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши ҳамда дарс тайёрлаши учун ҳам шарт-шароитлар яратиб берилган. Дам олиш хоналари телевизор, радио ва магнитафонлар билан таъминланган. «Маънавият ва маърифат» хоналарида Президент асарлари, ҳуқуқий адабиётлар кутубхонаси ташкил этилган ҳамда ўқув залларига эга. Ҳозирги вақтда ҳар бир талабалар турар-жойларида кутубхоналар мавжуд.

Айни вақтда бизда 24 та фан, 12 та спорт тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. «Талабалар турар-жойлари» ёнида 2 та футбол майдони, 2 та спорт, 1 та тренажёрлар спорт зали, 4 та волейбол, 1 та қўл тўпи, 4 та баскетбол майдонлари, енгил атлетика секторлари, 2 та гимнастик шаҳарчаси, 1 та теннис корти бўлиб улар керакли спорт асбоб-анжомлари билан жиҳозланган.

Талабалар шу кунгача ётоқхона учун тўловни республикада қабул қилинган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида тўлаб келишарди. Уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида институт бирлашган касаба уюшма қўмитасининг таклифи асосида бу тўлов 10 фоизга туширилди. Ногирон, чин етим ҳамда боқувчисини йўқотган талабалар турар-жой ҳақидан тўла озод қилинди. Ҳозирда бу имтиёздан 14 нафар ногирон ҳамда 8 нафар кам таъминланган талабалар фойдаланишмоқда.

Касаба уюшмаси қўмитаси ҳам «Маънавият ва маърифат» маркази жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муҳим саналарга бағишлаб тантанали кечалар, учрашувлар уюштирмоқда. «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» мавзусида илмий-амалий семинар, меҳнат фахрийси, заҳирадаги офицер Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори Қ.Абдуллаев ҳамда байналмилал жангчилар билан учрашувлар ҳамда вилоятдаги ҳарбий қисмлар зобитлари иштирокида «Мардлар майдонда» мавзусидаги кўрик-танловлар, «Навоийхонлик» ва «Бобурхонлик» шеърий кечалари, «Ким билағон», «Экология ва мен» мавзусидаги викториналар шулар жумласидандир.

Маънавий-маърифий ишлар билан бирга талабаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ва шаҳар ҳуқуқий органлари ходимлари билан ҳамкорликда «Қонун устувор бўлган юрт ёшларининг келажаги порлоқ бўлади» ҳамда «Конституция — фаровонлигимиз кафолати» мавзусида илмий-амалий анжумани ташкил қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — виждон эркинлигининг кафолати», «Ҳуқуқий саводхонлик-маънавий етуклик манбаи», «Сиз қонунни биласизми?» мавзуларидаги давра суҳбатларини ўтказиш анъанага айланди.

Ёшларнинг зарарли ғоя ва мафкуралардан асраш, диний-ақидапарастлик ва экстремизмнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда унга қарши ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар орасида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

**Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## МАВСУМДАГИ УЮШҚОҚЛИК

Доно халқимиз бисотида «Ҳамал кирди — амал кирди» деган пурҳикмат нақл бор. Бу бежизга эмас. Чунки эрта кўкламдан деҳқон кечани-кеча, кундузни-кундуз демай экин-тикин экиш пайида бўлади. Олис Сурхондарёнинг Шўрчи тумани заҳматкаш деҳқонларининг ҳам айни кунларда қўли-қўлига тегмайди. Туман бободеҳқонлари мавжуд ер майдонларини мавсумга тайёрлаш, пахта уруғини плёнка остига экишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айниқса, тумандаги Охунбобоев ширкат хўжалиги 12-оилавий пудратнинг ернинг тилини биладиган 8 нафар аъзоси тиним билмай меҳнат қилмоқда. Улар 2005 йили ҳам гектаридан 47 центнер ҳосил кўтариб, давлатга пахта сотиш режасини ортиғи билан уддаланганди. Айни мавсумда ҳам улар экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, кўпчиликка ибрат бўлаяпти.

**Суратда: 12-оилавий пудрат бошлиғи Камолиддин Ғазнаев пудрат аъзолари билан.**



Тўлқин ТЕМИРОВ олган сурат

## БЎЛҒУСИ ҲОСИЛ ЗАМИНИ

«Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги Чортоқ туманидаги рентабелли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили хўжаликнинг соф даромади 150 миллион сўмдан ошди. Ширкат меҳнаткашлари бу йил ўтган йилгидан ҳам мўл ҳосил йиғиштириб олиш ниятида.

Шу мақсадда хўжаликнинг 154 та оилавий пудратга бирлашган олти юздан ортиқ аъзоси ўтган йилнинг кузидан бошлаб бўлғуси ҳосил учун замин ярата бошлади. Деҳқонлар барча агротехник талабларга риоя этган ҳолда бошоқли экинларни самарали ривожлантиришга эришмоқда

**(ЎзА)**

*Ижтимоий ҳимоя — муҳим вазифа*

***«Қўқон 2-пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги акционерлик жамиятида ўтган йили қабул қилинган 30 минг 273 тонна пахтанинг 9674 тоннаси қайта ишланиб, белгиланган режа ошириб бажарилди. Жамоанинг сифатли маҳсулотлари бугунги кунда қатор ривожланган давлатларга экспорт қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, улар ўтган йили 115 миллион 786 минг сўм соф фойда олишга эришди.***

# ИШЧИЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Ютуқлар замирида ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намуналари ўз аксини топган. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси имзолаган жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояга олинган. Унга асосан, ходимларга ҳар ойда ўртача 76 минг сўм миқдорида иш ҳақи тўланмоқда. Бундан ташқари, улар туғилган кунларда, байрамларда моддий рағбатлантирилиб борилмоқда. Тунги навбатчиликда, дам олиш ва байрам кунлари ишлаган ишчиларга қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Маъмурият ташаббуси билан ишловчиларга 3 маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Хуллас, жамоада ишчи-ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароит муҳайё. Мавжуд тозалаш, қурилиш, таъмирлаш, электр, чигит тукини тозалаш цехларида ишчилар учун дам олиш хоналари мавжуд. «Маънавият ва маърифат» хонасида ишчилар кундалик матбуот нашрлари билан танишадилар. Радио эштиб, шоҳмот-шашка ўйнаб, ҳордиқ чиқаришади.

— Ишчиларни ва уларнинг фарзандларини дам олдириш, соғломлаштириш борасида ҳам ибратли ишлар қилиняпти, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Равшанжон Ортиқбоев. — Корхона ҳисобидан жамият ишчи-хизматчиларини саломатликларини тиклаш мақсадида сиҳатгоҳларга жами 46 дона бепул йўлланма берилди. «Бостон бува» ҳамда «Рапқон» санаторийлари билан шартномалар тузилган.

Ютуқларнинг бош омили корхонада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилаётганидандир. Амалдаги жамоа шартномасига биноан ўтган йили ана шу мақсадда 11 миллион 310 минг сўм ажратилди. Зарарли шароитда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга сут ва сут маҳсулотлари бериб борилади. Бундай ишчиларга иш ҳақининг 25 — 30 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Барча ишчилар жамоа шартномасида кўрсатилганидек махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда.

Ходимлар саломатлиги ҳамиша эътиборда. Улар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Корхона тасарруфидаги тиббий шохобчада терапевт, стоматолог ва ҳамшира хизмати ташкил этилган.

Техника хавфсизлиги борасида ҳар чоракда ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Цехларда махсус йўриқнома, плакатлар мавжуд. Корхонада ишлаб, соғлигига зарар етган ишчиларга ҳар ойда товон пуллари тўлаб борилаяпти.

Завод ҳудудидаги 1912 йилда қурилган асосий ишлаб чиқариш цехи бузилиб, унинг ўрнида замонавий усулдаги бино қад кўтарди. Ўтган йили Испания технологияси билан жиҳозланган уруғлик чигитини дорилаш цехи қуриб битказилди. Бугун мазкур цехлар тўлиқ қувват билан ишламоқда. Уларда 100 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат шароитини яхшилаш, соғломлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида янги ечиниб-кийиниш ва ювиниш хоналари қурилиб, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланди.

Корхонада жамоа шартномасининг бажарилиши, аниқроғи, ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлардан ибрат олса арзийди. Кўзланган мақсадга эришиш бу жамоага асло муаммо эмас. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ютуқларнинг омили бўлмоқда. Бу эзгу ишларда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни борлиги қувончлидир.

**Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ, «Ишонч» мухбири**

# БОЛАЛАРГА ШИФО БАҒИШЛАШ САОДАТИ

(Боши 1-бетда)

**- Узоқ йиллик тажрибага эга бир қанча ҳамкасбларингиз беморнинг руҳини тетиклаштирмай туриб, унинг хаста жисмини даволаш мушкул, дея сиз эътироф этаётган фикрни кўп бор таъкидлашади. Бу болалар шифокори учун муайян қийинчиликлар туғдирмайдими?**

- Боланинг руҳияти катталарга қараганда анча сезгир бўлади. Тўғри, у ён- атрофидан олган таассуротини ҳар доим ҳам ўзгаларга билдиравермаслиги мумкин. Аммо, ушбу тасаввурлар болага қилинган муносабатга қараб унинг хотирасида ўз изини қолдиради. Бу ҳолат унинг саломатлиги ўнгланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун биз шифокорлар қабулимизга келган болани дастлабки кўрикдан ўтказар эканмиз, унга аввало ширин муомала қиламиз. Боланинг кўнглига яқин бориш йўлларини излаймиз. Агар у бизнинг ана шундай суҳбатимиздан таскин топса, қайта учрашганимизда ўзини биздан олиб қочмайди, вужудидаги оғриқни ҳам унутиб табассум билан қарайди. Ҳатто, қачон операция қилишимиз билан қизиқади ҳам. Шифокор, айниқса болалар жарроҳи учун бундай ютуққа эришиш катта имконият. Чунки, бу ҳолат бемор операция столига ётишидан олдинроқ хасталиги тузалишига ишонч ҳосил қилганидан далолатдир. Бундай кайфиятни юзага келтириш учун бола билан муомала қилаётган шифокор нафақат тиббий, балки психологик маҳоратини ҳам ишга солиши лозим. Шу боис педиатрия соҳаси бутун дунёда алоҳида фан сифатида ўқитиляпти.

**- Болалар урологияси соҳасини янада ривожлантириш учун нималарга алоҳида эътибор қаратилиши лозим?**

- Бунда, аввало, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, бирламчи тиббий муассасаларда ишлаётган шифокорларнинг малака ва маҳоратини тинимсиз ошириб бориш яхши самара беради. Чунки, бола вужудида кечаётган ҳар бир ўзгаришни ота-она ўз вақтида англаб шифокорга мурожаат этса, шифокор ҳам беморнинг дардини тезда аниқлаб уни соғломлаштиришга киришса, албатта кўзланган мақсадга эришилади. Бунинг учун жойлардаги барча бирламчи тиббий муассасалар болалардаги урологик хасталикларни эрта аниқлаш имконини берадиган замонавий тиббий воситалар билан тўла таъминланган.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳамма фойдалана оладиган сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйишга қаратилаётган улкан эътибор мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилаётир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими тобора шаклланиб бораётгани, бундай муассасалар юқори малакали шифокорлар билан таъминланаётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу эса аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга касалликни эрта аниқлаш ва уни ўз вақтида даволаш, мутахассислар малака ва маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш имконини бераётир.

**ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди**

## ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ТЕЖАМЛИ

«Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехлари хорижий технологиялар билан жиҳозлантирилиб бораётгани боис бугунги кунга келиб корхонанинг элеватор сиғими 110 минг тоннага етди.

Ҳозирда бу ерда йилига 120-130 минг тонна атрофида буғдой қайта ишланиб, асосан ун, макарон уни, нон ва қандолат маҳсулотлари, чорва учун омухта ем, озуқалар тайёрланмоқда.

Тайёр маҳсулотларни жойлаштириш ва қадоқлаш учун аввало ҳар хил идиш, жумладан, қоп зарур. Корхона раҳбарияти шуни ҳисобга олиб полиэтилен халта ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Хитойдан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган линияда ўн минг донадон кўпроқ шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Шу пайтгача корхонага бошқа жойлардан олиб келинган полиэтилен қопларнинг нархи қиммат, унга қайта ишловчилар даромадининг бир қисми сарфланарди. Энди корхонанинг ўзида тўла қувват билан ишлаётган линияда йилига 3,5-4 миллион дона қоп ишлаб чиқариш мумкин.

Янги цех ишга тушгач, аввало 30-40 нафар киши ишли бўлди, иккинчидан, корхона таъминотчилари бошқа жойлардан полиэтилен халталар излаш ва келтириш ташвишидан халос бўлишди. Энг асосийси, даромаднинг шу мақсад учун сарфланадиган қисми корхонанинг ўзида қоладиган бўлди.

## ФЕРМЕРДАН ЭЗГУ АМАЛЛАР ҚОЛАДИ

Бугун қаддини тиклаб олган, иқтисодий жиҳатдан анча тетиклашиб қолган фермерларимиз фақат пахта, ғалла тайёрлаш шартномасини уддалаш билан кифояланмай, эл корига ярайдиган қўрғон, иморатлар, ўйингоҳлар, спорт саройлари, гузарлар барпо этишмоқда. Бундай хайрли ишлардан улар маблағларини аяшмаяпти. Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса ҳисоб-китобли ҳозирги замонда юртни обод этишга ҳам муносиб улуш қўшаётган фермерларимиз тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, Қизирикдаги «Қора қасмоқ» фермер хўжалиги аъзолари қишлоқ болаларига атаб мактаб қуриб берди. Сариосиёдаги «Боғу бўстон» фермер хўжалиги эса ҳар йили топган фойданинг бир қисмини ҳомийликка сарфлайди. Фермер хўжалиги қурган мактабу гузарлар, таъмирлаган йўлларни ҳозирда энг сердаромад ширкат хўжаликлари ҳам уддалай олмаяпти. Деновдаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев ташаббуси билан аввал қишлоқ болалари учун спорт мажмуи қуриб берилди. Кейинроқ Орол қишлоғида мактаб, ҚВП қуриб, фойдаланишга топширди. 2005 йилда ҳам фермер саъй-ҳаракати билан «Лочин» соғломлаштириш маркази қад ростлади.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири**

*Қизилқум лавҳалари*

# ЯЙЛОВЛАРДА ЯЙРАЙДИ КЎНГИЛ

(Боши 1-бетда)

Тадбиркор Соғиндиқ Муҳаммаджоновнинг ташаббуси билан «Чигир» кичик корхонаси очилиб, йигирма нафар овул қизлари иш билан таъминланди. Аҳоли ва ширкатда парваришланаётган эчки, от, туя, қўй терилари қайта ишланиб шапка, телпак, шим сингари 10 турдаги кийим-кечак тайёрланмоқда. Йил бошидан бери истеъмолчиларга 6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Келгусида кумуш, олмос, кўк, қора рангли қоракўл териларидан хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, четга экспорт қилинади.

Қизилқум барханлари орасида табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, эл-юрт бойлигига бойлик қўшаётган чўпончўлиқлар кўп. Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбой оға Сагатов қарийб 40 йилдан бери яйлов кезади. Унинг отаси катта ишонч билан чўпон таёғини фарзандига топширган. Боқувдаги 600 бош совлиқни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаб, бир отардан икки отар яратди. Бу йилги мавсумда 90 фоиз соғлом қўзини ўстиришга қолдириш ниятида. Камсуқум ва фидойи инсон қўй боқаётган яйловлар Соатқудуқ, деб аталади. Негаки отаси Соат ота ўғлига топшириш олдидан артезиан қудуқ қаздириб берган эди. Падари бузрукворi ўгитларига амал қилаётган яйлов баҳодири турмуш ўртоғи билан 5 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, вояга етказди. «От изини той босар» деганларидек фарзандлари ҳам чорва ортидан юриб, кам бўлишмади.

— Қўлга киритилаётган ютуқларимиз жамоада қарор топган ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик самарасидир, - дейди ота бағри кенг яйловларга боқар экан. – Аҳолисининг асосини қозоқлар ташкил этган овулларда замонавий мактаблар, болалар боғчалари, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги халқ турмуш фаровонлигининг яхшиланишига олиб келаяпти.

Ширкат хўжалигининг бош чўпони С.Ўтипбоев шартномада белгиланганидан 224 та кўп қўзи олди. Режа 134 фоизга бажарилиб, 678 та қўзи ўстиришга қолдирилди. Давлатга 183 дона ўрнига 204 та қоракўл тери топширилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Томди ва Учқудуқ туманларида қоракўлчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарори халқ хўжалиги барча тармоқларининг равнақида янги истиқболлар очди. Қоракўлчиликни юксалтириш билан бирга овуллар инфратузилмасини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

«Моли тўқнинг кўнгли тўқ» дейишади. Баҳорги ёмғир туфайли қир-адирларда ўтўланлар яшнаб турибди. Тажрибали чўпон Парахат Менгшаев оппоқ тонгларни дала-даштларда қаршилашга ўрганиб қолган. У бир отардан икки отар яратиб, ғолибликни қўлдан бермай келаяпти. Меҳнатдаги ютуқлари эвазига фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ойлик маошдан ташқари 920 минг сўм дивидент олган чўпоннинг даромади 2 миллион 880 минг сўмдан ошиб кетди. Мукофотга 10 та мол берилди. Ўртача иш ҳақи 190-195 минг сўмдан кам эмас. Оиласи билан ойлик даромади 450-500 минг сўмни ташкил этади. Парахат оғанинг рўзғорида ҳамма нарсаси бор.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Томдида ер ўзгаришлари рўй бериб, туман маркази эски жойидан 11 километр ғарбга кўчирилган эди. Томдибулоқ, деб аталадиган янги қўрғон замонавий шаҳарчалардан қолишмайди. 422 ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, марказий касалхона, шифохона, қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, ўнлаб маданий-маиший бинолар қўрғончага ўзгача кўрк ва чирой бағишлайди. Аҳоли учун ҳар томонлама қулайликка эга 200 та турар-жой қурилди. Умумтаълим мактаби муаллими Жакип Латиповнинг таъкидлашича, кенг томорқага эга уйлар фуқароларга манзур бўлиб, чўлликларнинг яшаш тарзига мос тушади. Янгидан 365 та тадбиркорлик субъектлари очилиб, 880 та иш ўрни яратилди. Қоракўлчиликдаги ислоҳотлар жараёнлари туфайли отарлар сони 165 тага кўпайди.

Туман марказидаги «Ипак Йўли» кичик корхонасида қоракўл тери ва жундан ҳар хил кийимлар тайёрланиб, харидорларга сотилаяпти. Тажрибали тикувчи Салтанат Сиддиқова таъкидлаганидек, корхона кенгайтирилиб, яна 13 та янги иш ўринлари вужудга келтирилди.

Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалигида 66 минг бошга яқин қўй-қўзи мавжуд. Айдаркўл яқинида жойлашган ширкатнинг 158 гектарлик яйловларидаги 120 та отарда 45 минг совлиқ боқилаяпти.

Қуёнбой яйловининг Сайиб оға Шайбоев отарида қўзилатиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Олисдан чўпон ўтовлари оқариб кўринади. Яйлов соҳибининг дўмбирасидан янграётган садолар қўй-қўзилар маърашига уйғунлашиб кетган. Отахоннинг кенжа набираси Нурсулув сигирлар елинидан пақирларга тушаётган сутни, майсазорлар оралаб югураётган қўзичоқларни кўриб, қувончини яшира олмайди.

Кўклам Қизилқумнинг чиройини янада очиб юборди. Чўлдаги сурувларнинг қўнғироқлари бир зум ҳам тинмайди. Бобоқуёшнинг нурларига кўмилган яйловларда ўт-ўланлар бисёр. Қалби яратиш ишқи билан тўлиб-тошган чўпон-чўлиқлар тонг оқармасдан қўй-қўзиларни далага ҳайдайдилар.

**Иззат ХИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Чақирув — 2006*

***Республикамиз бўйлаб мудофаа ишлари бўлимларида балоғат ёшидаги йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақирув тадбирлари давом этмоқда.***

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТИ



Мактаб ўқувчилари ўқишни муваффақият билан тугаллагач, ўқув юртларига кириб ўқиш учун астойдил бел боғлайдилар. Айрим йигитлар эса ўрта мактабни тамомлагач, йигитлик бурчларини адо этиш учун мудофаа бўлимларига ўз аризалари билан мурожаат этадилар. Ана шундай ёшларни чақириққача тайёрлаш, уларни ҳарбий касбга қизиқтириш борасида Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлими ходимлари ўзларининг фаолликлари билан намуна кўрсатиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни асосида ҳар йили апрел-май, шунингдек, октябр-ноябр ойларида ўтказиладиган саралашни ўз вақтида ва самарали олиб боришда бўлим ходимлари маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиган.

Йигитларга ҳарбий хизматнинг нечоғли масъулиятли эканлигини уқтириб, уни аъло даражада ўтаб, ёруғ юз билан жонажон оиласи, ота-онаси бағрига қайтишга даъват этмоқда.

Айни кунларда Шерзод Файзиев, Абдуҳаким Абдуллаев, Рустам Асқаров сингари Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида таҳсил олган, чиниққан, забардаст йигитлар ўз бурчларини ўташ мақсадида республикамизнинг турли ҳарбий қисмларига йўлланма олмоқдалар. Муддатли ҳарбий хизматни адо этиб қайтган айрим йигитлар эса Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик ва мамлакатимизнинг бошқа олий ҳарбий билим юртларининг курсантлари бўлиш орзусидалар.

**Суратда: туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, полковник Раҳматилла Тошхўжаев чақириқ ёшидаги ўсмирлар билан суҳбатда.**

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

***Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Хоразм вилоятининг Гурлан, Шовот тумани ва Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги ўнлаб олис қишлоқлар Туямўйин-Урганч магистрал сув тизимидаги марказлаштирилган, санитар меъёрларга жавоб берадиган сувдан баҳраманд бўла бошлашди.***

Ичимлик сувини тозалаш ва тақсимлаш бўйича Гурлан туманида фойдаланишга топширилган янги иншоот туфайли бундай имкониятга эришилди. Мураккаб муҳандислик объекти ҳисобланган янги иншоотни барпо қилиш учун 760 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Унинг ўзига хос томони шундаки, ичимлик суви махсус қурилмаларда тозаланиб хлорланган ҳолда ҳар бир туманнинг сув таъминоти тармоғига алоҳида насослар ва қувурлар орқали етказиб берилади. Мазкур иншоот қуввати кунига 30 минг кубометр сувни ҳайдашга етади.

Жорий йилнинг охиригача Гурлан-Қўшкўпир сув тармоғининг қурилиши ниҳоясига етказилади. Бу билан Қўшкўпир туманининг энг узоқ қишлоқларига ҳам тоза ичимлик суви етиб боради. Замонавий сув қувурлари билан муҳандислик иншоотларининг деярли барчаси Хоразм вилоятида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида мустақилликдан кейин барпо қилинди. Масалан, 1991 йилгача Хоразмда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 45 фоизни ташкил этган бўлса, бу рақам эндиликда 75 фоизга етди.

Ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори ва амалий ёрдами билан Орол экологик фожеаси оқибатларидан азоб чекаётган ҳудуд аҳолиси учун тоза ичимлмк сувининг етиб келиши қувончли воқеа бўлди.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МУТАХАССИСЛАР ХУРСАНД

Хўжайли туман ҳокимлиги ўсимликларни ҳимоя қилиш туман марказига қарашли биолабораторияларга «ИЖ» русумли кажавали мотоцикллар ҳадя қилди.

- Бу қулайликдан куни далада ўтадиган мутахассисларимизнинг иши анча енгиллашди, - дейди марказ раҳбари Ойша Маткаримова. - Эндиликда буғдой ва ғўза зараркунандаларига қарши курашни янада кучайтириш имкони пайдо бўлди.

Тумандаги биолабораториялар 520 фермер хўжалигининг салкам 12 минг гектар майдонидаги ғўзаси ва 3 минг гектар еридаги кузги буғдойига биологик усулда ишлов беришни зиммасига олган.

Фан ва техника ривожланаётган давримизда тиббиёт соҳасида ҳам кўпгина янги даволаш усуллари ва воситалари ихтиро этиляпти. Бундай янгиликлар, айниқса, болалар ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Чунки ҳали гапириш, ўз вужудида кечаётган жараённи тасвирлаб бериш имконияти чекланган кичкинтойларимиз аъзоларидаги ўзгаришларни тез англаш, уларга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш нафақат шифокорлар, балки ота-оналар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ана шундай дамда бугунги кун тиббиётининг ютуқлари — янги дори-дармонлар ва шифо воситалари бизга ниҳоятда қўл келади.

## ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ

Бола вужуди табиатан нозик бўлганидан салгина ташқи таъсир ҳам унинг соғлиғига зиён етказиши мумкин. Масалан, она кўкрагини ёки сунъий сўрғични оғзига олаётган пайтда оғиз орқали кирган озгина ҳаво ҳам бола қорнини дам қилиши мумкин. Ёки эмизикли она қорнида дам ҳосил қиладиган маҳсулотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилса, айниқса, бола сунъий усулда овқатлантирилса, бу ҳол кўпроқ кузатилиши мумкин. Шундай пайтда кичкинтой қорнида оғриқ пайдо бўлиб, уни безовта қилади. Буни ўз вақтида аниқлаб, болага тезлик билан ёрдам кўрсатилса, унинг аҳволи дарров ўнгланиб кетади.

Ҳозир Германияда ишлаб чиқарилган «Бебинос» препарати бу борада жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётир. Табиий гиёҳлардан тайёрланган мазкур препарат бир ёшгача бўлган болаларга бир кунда уч маҳал 3-5 томчидан ичирилади. «Бебинос»ни бола овқатига ёки ичимлигига аралаштириб берса ҳам бўлади. Тажрибалар ушбу шифо воситаси бола соғ-саломат камолга етишида яхши самара беришини кўрсатмоқда.

**Ўғилой ЮСУПБОЕВА,**
**педиатр**

## Спорт оламида



*Футбол*

### АНРИМИ Ё РОНАЛДИНЬО?

Европа чемпионлар лигаси ярим финалининг биринчи икки учрашуви ортда қолди. Ҳар икки ўйин бир хил — 1:0 ҳисобида якунланди.

«Милан» ўз майдонида «Барселона» клубини қабул қилиб, мухлисларини ранжитган бўлса, «Арсенал» жамоаси Испаниянинг яна бир командаси — «Вильярреал»ни кичик ҳисобда мағлуб этди. Ягона гол ҳимоячи Коло Туре томонидан 41-дақиқада киритилди. Жавоб учрашуви 25 апрелда ўтказилади. Умумий натижага кўра қайси жамоа финалга йўл олади, бу ҳақда олдиндан башорат қилиш хайрли ҳисобланмаса ҳам «жуда кўпчилик» мутахассислар «Арсенал» ва «Барселона»да бир тўхтамга келаётир. Борди-ю шундай ҳол юз берса, демакки, ўзўзидан Анри ва Роналдиньо рўбарў келадилар. Уларнинг қайси бири кучли, бу айнан шу ўйинда маълум бўлади.

### МЕКСЕС «ЮВЕНТУС»ГА ЎТАДИМИ?

Айни кунларда Италия чемпионатида пешқадамлик қилаётган «Ювентус» ҳозирданоқ кейинги йил ташвишлари билан яшашни бошлади. Лилиан Тюрам ва Фабио Каннаваро ёшлари ўтиб бораётганини назарда тутиб, ёшроқ ва чаққонроқ ҳимоячи қидирилмоқда. Клуб раҳбарларига кўпроқ ҳозирда «Рома»да тўп сураётган Филиппа Мексес маъқул тушаётир.

Лекин уларнинг хоҳиши анчагина қимматга баҳоланаётгани ҳам бор гап. «Рома» ва Франция терма жамоаси ўйинчиси учун қарийб 7 миллион фунт сўралмоқда.

*Гольф*

### ИЮНГАЧА ТАНАФФУС

Ҳар ҳолда машҳур гольф устаси Тайгер Вуде ёзгача биронта турнирда қатнашиш ниятида эмас. Бунга асосий сабаб у АҚШни тарк этиб, Янги Зеландияга кўчиб ўтмоқчи. Шундан кейин агар насиб этса, июн ойи ўрталарида мусобақаларга қайтиши мумкин.

— Отам касаллиги учун шундай қилмоқдаман, — деди у журналистлар саволига жавобан.

Янги Зеландияга келганига ҳеч қанча вақт ўтмай у ўз ёрдамчиси Стив Уилльямснинг никоҳ тўйида қатнашди.

*Олимпиада*

### МАШЪАЛА ЭВЕРЕСТНИ ОШИБ ЎТАДИ

Ҳали бунақаси бўлмаган эди. Хитойликлар шундай қилишга жазм этишди.

Маълумки, 2008 йилги Олипиада ўйинлари Пекинда ўтказилади. «China Radio International» хабарига кўра, шу йилнинг май ойида Ташкилий қўмитанинг ишчи гуруҳи Эверестга сафар уюштириб, эстафетага тайёргарлик шарт-шароитлари билан яқиндан танишади.

Ташкилий қўмита вакиласи Нин Ваннинг айтишича, Олимпиада машъаласи ўйинлардан беш ой илгари, 2008 йилнинг мартида ёқилади. Машъала Хитойга келгунча жаҳоннинг 28 шаҳридан олиб ўтилади, ушбу эстафетада 15 минг киши иштирок этади ва бунинг учун 140 кун кетади.

*Бокс*

### ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС

Мгер Мкртчан Болтиқ ахборот агентлиги уюштирган матбуот конференциясида IBF ва WBO йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони Джо Кальзаге билан матч-реванш ўтказиш ниятини ошкор қилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Европа чемпиони унвонига сазовор бўлган россиялик боксчи 2004 йил февралда Кальзаге билан кечган жангнинг еттинчи раундида нокаутга учраган эди. Йиқилган курашга тўймас, деб шуни айтсалар керак-да.

*Баскетбол*

### ШУНИСИ ЭНДИ ОРТИҚЧА

Машҳурларга ҳавас қилганлар янглишади. Чунки уларнинг йўталиб қўйиши ҳам атрофдагилар учун ғалати туюлиши мумкин.

Йўл қоидаси бузилгандан кейин полиция тўхтатади-да. Ален Айверсоннинг қариндоши тушган машина йўловчиларидан бир йўла уч киши хибсга олинди. Сабаби, машинадан гиёҳванд модда ва қурол топилди. Машина машҳур баскетболчи А.Айверсонга тегишли эканлиги учун бу воқеа устида катта шов-шув кўтарилди. Лекин расмийларнинг таъкидлашича, муқаддам Айверсон ҳеч қандай жиноятга қўл урмаган, жанжал-тўполонларга аралашмаган. Ажаб эмас, юзага келган тушунмовчилик ҳам у учун бешикаст тугаса.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

*Қонун барчага баробар*

***Инсонда ақл-идрок, иймон ва эътиқод, гўзаллик ва нафосат мужассам. У Ердаги ҳаётнинг фаол ҳимоячиси, жамики борлиқ унинг меҳру шафқатига муҳтождир. Ана шу зотнинг ўзи шафқатсизлик кўчасига кирса-чи?...***

# ЯШАШ ҲУҚУҚИ

## ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир

Йўқса, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди томонидан судланган Х.Қосимов, Р.Раҳимов, Т.Шарипов, С.Хуррамов, Қ.Ғоипов, К.Муродовларга нима етишмасди. (Баъзи мулоҳазаларга кўра номлар ўзгартириб берилмоқда). Қолаверса, жазони ўташ чоғида оқни қорадан ажратадиган даражада сабоқ олган бўлишлари керак эди-ку. Афсуски, бойликка эга бўлиш нияти уларни ўзаро жиноий тил бириктиришга ундади.

Шундай қилиб 2004 йилнинг 23 январига ўтар кечаси Х.Қосимов, Р.Раҳимов ва Т.Шариповлар обдон спиртли ичимлик истеъмол қилиб олишгач, юзларига ниқоб тутиб, учлари ўткирланган икки дона сих-бигиз, оқ чилвир арқон, учта ошхона пичоғи ва болта сопи билан қуролланган ҳолда аввалдан режалаштирилган манзил томон йўл олдилар. Лекин хонадонга етиб келгач, катта миқдорда пули бор деб гумон қилинган Қодир Абдувалиев эмас балки, унинг қизи Зилола Абдувалиева, куёви Нодир Ботиров ва 1998 йилда туғилган набираси Нодира Ҳакимоваларга дуч келишади. Уларнинг ялиниб-ёлворишларию бор мулкини инъом этишлари ҳам бу ваҳшийларнинг кўнглини юмшатмади. Аксинча, нажот сўраб термулаётган бегуноҳ инсонларга қутирган ҳайвон сингари ташланадилар.

Дастлаб она-боланинг кўз ўнгида Н.Ботировни шафқатсизларча ўлдиришади. Бу ҳолатдан ўзини йўқотаёзган З. Абдувалиевани ҳам шу тарзда қийноққа солишади. Жажжигина қизалоқ Нодира ҳам нобакорлар қўлида бевақт хазон бўлади.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, орзу-ҳаваснинг ҳам чегараси бор. Лекин баъзилар буни яхши билсалар-да, ўзларини билмасликка олишади. Қилғиликни қилиб, шайтон йўлдан урди, дея бутун айбни ёшликка ағдармоққа уринадилар. Балки ушбу жиноятчилар ҳақиқатдан ҳам ҳаётда кўп нарсани англаб етишмагандир. Сабаби гуруҳ аъзолари энди 20-25 ёшга тўлган ўспиринлар. Борингки, шундай ҳам бўла қолсин. Лекин бошқаларнинг кўзи қаёқда эди? Аслида оила муҳити ёки атрофдагиларнинг бефарқликлари боис улар жиноятчи бўлиб қолишмадимикан?

Шарқ мактабида тарбия санъат даражасидаги фаолият ҳисобланган. Оилада туғилган ҳар бир фарзандни тарбиялаш муаммоси ҳеч бир муболағасиз бола туғилмасидан олдинроқ бошлаб юборилган. Оилада фарзанд дунёга келгач, унинг тарбияси билан барча баробар, ҳамжиҳатликда шуғулланишган. Шундай экан, ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни ва имкониятлари қандай бўлишидан қатъи назар, ўзига яраша мажбурият ва вазифалари ҳам бор.

Афсуски, юқорида тилга олиб ўтилган шахслар вояга етган оилаларда бундай тарбия унутилган кўринади. Акс ҳолда ўша жиноятчилар қасддан одам ўлдиришдек мудҳиш ҳодисанинг сабабчисига айланиб қолишмаган бўларди. Айтиш мумкинки, судланган Х.Қосимов, Р.Раҳимов, Т.Шарипов ва С.Хуррамовлар олдин ҳам бир неча бор ўғирлик содир этишган. Ўша пайтда уларнинг на ота-оналари, на қўни-қўшнилар бу такасалтангларнинг қўлидаги жарақ-жарақ пуллар қаердан, қандай йўл билан пайдо бўлиб қолаётганлиги билан қизиқишмаган.

Жиноят жазосиз қолмайди, аммо айбдорни жазолаш билан бой берилган умрни, хазон бўлган ҳаётни ўрнига қайтариб бўларканми! Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди томонидан судланган М.Петровнинг қилмиши ҳам олдингиларникидан қолишмайди. Муқаддам 3 маротаба судланган бу кимса 2005 йилнинг 13 май куни жазони ўташ жойидан қочади. У 1983 йилда туғилган, илгари бир неча маротаба судланган Б.Виноградов билан биргаликда спиртли ичимликка обдон тўйиб олгач, икковлон М.Петровнинг уйига келишади. Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган М.Петров яна ичкиси келиб, ўғли Сергейдан пул сўрайди. У пули йўқлигини айтгач, ота-бола жанжаллашиб қолишади. Сергей отасининг қамоқдан қочиб келгани ҳақида милицияга хабар беришлигини айтади. Бундан жаҳли чиққан М.Петров Сергейнинг қўлларини орқасига сим билан боғлаб, ўз пуштикамаридан бўлган фарзандини ваҳшийларча ўлдиради. Ваннахонада бўлган Б.Виноградов воқеадан хабар топгач, М.Петровга бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасликка сўз беради.

Улар шундан кейин босқинчилик қилиш ниятида С.Ильясованинг уйига бостириб киришади. Аёл ҳамда унинг қизини қўрқитиб, 473 минг 28 сўмлик мол-мулкка эга бўлишади. Лекин борар жойининг тайини йўқ бу босқинчилар шу ернинг ўзида қорин тўйдиришни режалаштиришади. Қўл ва оёқлари боғланган қиз гаров сифатида ушлаб туриладиган, С.Ильясова эса Б.Виноградовнинг кузатуви остида озиқ-овқат олиб келиш учун дўконга бориб келадиган бўлади. Дўконга кириб келишгач, аёл тарози ёнида турган тош билан Б.Виноградовнинг бошига уриб, атрофдагиларни ёрдамга чақиради.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб бежизга айтишмаган. Шубҳасиз, вақтида фарзанди тарбиясига, унинг хатти-ҳаракатларига бефарқ қараган ота-она бугун унинг аянчли қилмишидан, тақдиридан азият чекмай иложи йўқ. Энди у қилган хатоларини бирма-бир тарозига қўйиб, хўрсинганча дардини ичига ютишга мажбур. Аслида фарзандинг қотил, деган гапни эшитишдан-да оғири бор эканми дунёда?!

Ёшлигида орзу-ўйлари беғубор боланинг миясида бундай бўлмағур хаёллар қайдан пайдо бўлади, дея ўйлаб қоласан киши, баъзан. Наҳотки, инсон ҳаёти ҳар қандай бойликдан-да азизлигини, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмаслигини бу кимсалар унутиб қўйиган бўлсалар! Конституциянинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари шартлиги ёзилган. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, бугунги фарзанд эртага ота-она бўлади. Фарзанд ота-онасига қандай муносабатда бўлса, унинг боласи ҳам унга шундай оқибат кўрсатади. Шу боис юртимизда комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказишга катта эътибор билан қараб келинмоқда. Жумладан, «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимиз бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат» деб таъкидлайди Юртбошимиз. Чунки комил инсонлари кўп бўлган жамиятнинг, давлатнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади.

Афсуски, юқорида қора қилмишлари тилга олиб ўтилганларга ўхшаган кимсалар на ўзгалар манфаатини, ва на яқинлари манфаатини ҳурмат қиладилар. Улар арзимаган пул эвазига ҳар қандай қабиҳликкача бориб етишади. Жумладан, Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан судланган Ф.Ражабов айнан ана шундайлар сирасидан эканлигини қуйидаги ҳолатда исботлади. У хурмачасига сиққанча спиртли ичимлик истеъмол қилиб олгач, Урганч шаҳрида киракашлик қилиб юрган 1981 йилда туғилган Ҳаким Қурбонов бошқарувидаги «Тико» русумли автомашинани тўхтатади. Ундан шаҳарнинг Огаҳий кўчасида жойлашган уйлардан бирига олиб бориб қўйишни сўрайди. Ҳ.Қурбонов йўловчини манзилига элтиб қўйгач, Ф.Ражабов ҳайдовчига келишилган нархнинг фақат 400 сўмини бера олишини, ёнида бошқа пули йўқлигини айтади. Шундан сўнг ораларида жанжал чиқиб, Ф.Ражабов ёнида бўлган ошхона пичоғи билан Ҳ.Қурбоновнинг бўйин қисмига жароҳат етказиб, воқеа жойидан қочиб кетади. Ҳ.Қурбонов шу ернинг ўзида жон таслим қилади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади, деганларидек, Ф.Ражабовнинг айби орадан 3 йилча вақт ўтгач, ошкор бўлди. Шубҳасиз, қотил ўз жазосини олди. Лекин ёшгина йигитнинг умри ҳеч қандай маънисиз жиноят туфайли бевақт хазон бўлиб, бу кўргуликдан ота-онанинг ва яқинларнинг қалбида битмас жароҳат излари қолди.

Маълумки, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга, айни вақтда жамият тараққиёти ҳам шахснинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Шу боис мамлакатимизда билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларга ўзларини ўнглаб олишлари учун имкон берилади. Ф.Ражабовга ҳам олдинги судланиш жараёнида ана шундай имконият берилган эди. У бундан тўғри хулоса чиқара олмади. Оқибатда бировнинг умрига зомин бўлишдек энг оғир жиноят ҳисобланган қотилликкача бориб етди. Конституциямизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгилаб қўйилган сўзлар унга бегона эмас. Афсус, эшитса-ю, амал қилмаса, бундан нима фойда? Оғир жиноятга қўл урган, жамиятда ўз ўрнини топишни хоҳламаган, белгилаб қўйилган қонунга риоя этишни унутиб қўйган кимсалар барибир, охир-оқибат пушаймон бўладилар. Лекин ҳар нарсанинг олдини олган маъқул. Модомики, ҳаёт инсонга бир марта берилар экан, у савобли ишлар билангина сайқал топсин.

Халқимизда ажойиб нақл бор: яхшилик қўлингдан келмаса, лоақал ёмонлик қилма. Шундай экан у ёки бу содир этилган жиноятга жазо белгилар эканмиз, унинг келиб чиқиш сабабларини ҳам чуқур таҳлил этсак, айни муддао бўлур эди.

**Муҳаммад БАРАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси катта прокурори**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2006 йил 25 май ва 1, 8, 15, 22, 29 июн** кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадамбақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «ALOQA-VISTA» МЧЖ Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасига қарашли Хоразм вилояти Урганч шаҳар Жайхун кўчасида 2-уйда жойлашган **бино, иншоот ва асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида** қўйилади,

**бошланғич баҳоси — 834 755 080 сўм**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «**KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI**»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб-рақамига 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.**

**Маълумот учун телефонлар: 399-80-23, 136-15-28. Факс: 136-06-17.**

Архив

**_Архив - тарих ва келажак ўртасидаги кўприк бўлиб, ўзига хос ахборот манбаи ҳисобланади. Архив ҳужжатлари махсус тадқиқотни талаб қилади ва мутахассис, илмий ходимлар томонидан ўрганилиб, турли фанлар нуқтаи назаридан хулосалар чиқариш учун доимий сақланади. Бу борада Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини яратишда ва илм-фан ривожи йўлида изланаётган тадқиқотчилар учун Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий ҳаёти акс этган ноёб архив ҳужжатлари бой манба сифатида хизмат қилади. Архивларнинг асосий фаолияти давлат аҳамиятига эга бўлган, нодир, тарихий ва илмий ҳужжатларни тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган._**

# ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Республика ҳукумати томонидан кейинги йилларда архив ишларини янада такомиллаштириш ва уни халқаро даражага кўтариш борасида амалий тадбирлар қўлланилмоқда. Айниқса, «Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республикамизда архив ишларини янада юқори поғонага кўтариш, келажакда бу борадаги амалий фаолиятни юксак даражада ташкил этиш учун истиқболли ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил қилинган бўлиб, 2004 йилда янги бинога кўчиб ўтди. Айни кунда бу ерда 250 000 га яқин йиғма жилд бўлиб, 1925 йилдан буён Ўрта Осиё бўйича илм, фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, рационализаторлик, ирригация, қишлоқ ва халқ хўжалиги, шунингдек, илмий-лойиҳавий ва тиббиётни ривожланишига ҳиссасини қўшган фан арбобларининг ҳужжатлари сақланади.

Архивда 3 та йўналишда иш олиб борилади: тарихий аҳамиятга эга бўлган Миллий архив фондига киритилган ҳужжатларни йиғиш, давлат сақловига қабул қилинган ҳужжатларни доимий сақлаш ва сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланиш.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшаётган фан арбоблари, профессор, илмий ходимларнинг иш фаолиятига доир шахсий жамғармаларини доимий сақловга қабул қилади.

Архивимиз Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 200 га яқин ташкилотларга архив иши ва юритишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади. Республиканинг миллий бойлиги бўлган Миллий архив фондига (МАФ) киритилган ҳужжатларни қабул қилиш, сақловини таъминлаш ва ҳужжатларга илмий-техник ишлов беришни амалга оширади. Шунингдек, бу ташкилотлар тугатилганда, қайта ташкил этилганда уларнинг ҳужжатларини давлат сақловига қабул қилади.

Ўтган Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан қатор тадбирлар амалга оширилди. Олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари талабалари билан соғлиқни сақлаш муассасаларида архив ишини янада ривожлантириш, ҳужжатларни талаб даражасида сақлашга эришиш мақсадида архив иши ва иш юритиш бўйича амалий машғулот ўтказиш йўлга қўйилди. Жумладан, Собир Раҳимов номидаги тиббиёт коллежининг талабаларига ҳар ҳафта архив биносида амалий сабоқлар уюштирилиб, архивда сақланаётган ҳужжатлар, уларнинг илм-фан ривожида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, «Архивлар тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иш юритиш ва архив ишини ривожлантириш юзасидан қабул қилган буйруқлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишди.

Бундан ташқари, архивда тиббиёт соҳасига оид бўлган суратлар асосида фотоальбом тайёрланди. Ушбу фотоальбом ўтган салкам бир асрлик даврни ўз ичига олади. Айниқса, унда тиббиёт ходимларининг уруш йилларида аҳолининг саломатлиги йўлида олиб борган ишлари ёрқин акс этган.

Айни кунда архивга тиббиёт ривожига ўз ҳиссасини қўшган етук фан арбоби, профессор, фан доктори ва олимларнинг шахсий жамғармалари, ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Ана шу ҳужжатлар асосида архивда тиббиёт тизимининг ривожига ҳисса қўшган ревматолог-кардиолог Манзура Ҳамидова, таниқли химик Тўлқин Миркомилов, стоматолог Тошпўлат Сафаровларнинг илмий-амалий соҳадаги фаолиятларига бағишланган кўргазмалар тайёрланди. Келгусида ана шундай шахсий фонд эгаларининг ҳужжатларини яна кўпроқ қабул қилиш режалаштирилган.

**Мастура ҲОЖИМЕТОВА, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори**

## МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

Ўрта аср меъморчилигининг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш Султон Саодат меъморий мажмуаси мана бир неча йилдирки, юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда. У ҳозирда Термиз туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган.

Султон Саодат мажмуаси IX асрда бунёд этилган бўлиб, унда шарқ меъморчилиги анъаналари ўз аксини топган. Ушбу тарихий ёдгорлик мажмуаси Саидлар султони ҳам деб аталган. Мажмуада саид насабига мансуб шахсларнинг ва уларнинг оила аъзолари қабрлари ва хонақо жойлашган.



**Суратда: Термиз туманидаги Султон Саодат мажмуаси.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат**



## ФЬЮЧЕРС ГУЛИСТОНДА

**_Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуида Фьючерс - теннис бўйича анъанавий халқаро турнир бошланди. Унда ўн давлатнинг олтмишдан зиёд вакили иштирок этмоқда._**

Турнир ўзбекистонлик теннисчилар - андижонлик Арсен Асанов ҳамда фарғоналик Сергей Квак учрашуви билан бошланди. Мусобақалар 22 апрелгача давом этади.

## ҒОЛИБЛАР ҚАРШИГА БОРАДИ

**_Мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди._**

Ўқувчи-ёшларни спорт машғулотларига жалб этиш, соғломлаштириш ва спортни оммалаштиришга қаратилган мазкур мусобақалар ўз ижобий самарасини бермоқда.

Муросасиз баҳслар билан кечган беллашувларда вилоят бўйича юз минг нафардан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

Футбол бўйича Бўка туманида бўлиб ўтган баҳслар мезбон жамоанинг ғалабаси билан якунланди. Чирчиқ шаҳрида кечган гандбол беллашувларида олмалиқлик ўсмирлар ғалаба қозонди. Баскетбол мусобақалари Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Унда ўғил болалар ўртасида мезбонлар, қизлар ўртасида эса Ангрен шаҳри жамоаси муваффақият қозонди. Волейболда чирчиқлик болалар ҳамда оҳангаронлик қизлар биринчи бўлди.

Юқори Чирчиқ туманида ўтган стол тенниси, Бекобод шаҳридаги кураш, Пискентдаги белбоғли кураш баҳсларининг барчасида мезбонлар ғолиб чиқди. Олмалик шаҳрида ўтган сузиш ҳамда теннис мусобақаларида Олмалиқ шаҳри вакиллари ғалаба қозонди. Шахмат ва енгил атлетикада ангренликларнинг, спорт гимнастикасида Янгийўл шаҳри вакилларининг омади келди.

Ғолиблардан иборат вилоят терма жамоалари шу йилнинг май ойида Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг мамлакат босқичида иштирок этади.

**(ЎзА)**

## _Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда_

**_Бугунги кунда таълим тизимида ахборотлаштириш, телекоммуникацион технологияларни жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шу асосда Чуст туман халқ таълими бўлими ҳам таълим-тарбия бўйича бош мутахассис штатларидан бирини «Умумий ўрта таълимни назорат қилиш ва ахборотлаштириш бўлими» — «Ресурс маркази» раҳбарлигига айлантирди. Ўтган қисқа давр ичида марказ томонидан харитага мувофиқ фаолият олиб борувчи технологик жиҳозлар параметри белгилаб чиқилди, 40 дан зиёд меъёрий ва иш ҳужжатларидан самарали фойдаланиш учун имконият яратилди. Замонавий кутубхоналар ташкил этиш учун барча шароит яратилди. Қисқа фурсат ичида тумандаги 6-, 9-, 10-, 24-, 49-, 50-, 52-, 2-, 8-, 14-, 60-ўрта умумтаълим мактабларида замонавий компьютер синфлари ишга тушиб, интернет тармоғига уланиш имконияти туғилди._**

# РЕСУРС МАРКАЗИ

Марказининг таҳлилий маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, таълим жараёнини янги ахборот-коммуникацион технологияга ўтказиш учун энг биринчи навбатда бу соҳадаги моддий базани ва ҳудудий ресурсларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий ечимларини имкон қадар тезкорлик билан ҳал этиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳудудий назоратчилик бўйича тумандаги 23-, 54-мактаблари жамоалари яхши фаолият кўрсатганлиги қайд этилди. Ҳар иккала мактабда ижтимоий муҳит барқарорлиги сақлаб қолинди. 23-мактаб капитал реконструкцияга киритилиб, Давлат дастури бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари самарали бўлмоқда.

Мазкур бўлинма вилоят халқ таълими бошқармаси орқали республикадаги барча халқ таълими бўлимлари билан алоқа ўрнатган. Ўтган йил давомида бўлинмага вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 500 та хат ва буйруқлар, юқори ташкилотлардан эса 246 та хат қабул қилиб олинди. Фуқаролардан тушган 18 та ариза, шикоятлар жойида ўрганилиб, натижаси ҳақидаги ахборотлар керакли ташкилот ва хат муаллифларига етказилди. Бу Кадрлар бўлинмаси йўналиши бўйича ишларни ҳам тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Жумладан, аттестация якунига кўра эгаллаб турган лавозимига шартли, деб топилган 14 нафар мактаб раҳбарларига оид ҳужжатлар тайёрланди ва жойларга етказилди, эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган мактаб директорлари ўрнига заҳира кадрлар таркибидан номзодлар тайинланди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида, Болалар ва ўсмирлар, Ёш техниклар ижодиёт, БИОЭКОСАН, Соғлом авлод марказларида тўгараклар ташкил этилган. Шунингдек, VI Олимпия захиралари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби йўналишида 1954 нафар болалар спорт билан шуғулланмоқда. Шунингдек, таълим муассасаларида кам даромадли оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида туман ҳокимлигига 29 нафар етим болалар таклиф этилиб, уларга 180 минг сўмлик совға улашилди. Кам таъминланган оила фарзандларига 1 миллион 60 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

## КИТОБСЕВАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**_Зангиота туманида ўсиб келаётган авлод маънавий дунёсини юксалтириш борасида ибратли ишга қўл урилди. Айни кунларда туман марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли болалар кутубхонаси томонидан «Кутубхонага китоб ҳадя қилинг» ойлик хайрия марафони ўтказилмоқда. Шу муносабат билан яқинда зиё масканида катта тадбир бўлиб ўтди._**

Унда хайрия марафонида фаол иштирок этаётган маданият муассасалари ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, бир гуруҳ ижодкорлар ёш китобхонлар билан учрашишди. Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда болажонлар учун янги номдаги адабиётлар билан кутубхоналарни бойитиш долзарблигини таъкидлашди.

— Хайрия тадбиримизнинг ҳомийлари сафи кенгаймоқда, - дейди туман маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Саноат Мирдадаева. — Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, республика болалар кутубхонаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши, «Турон» илмий-универсал кутубхонаси, туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Маънавият ва маърифат туман бўлимлари, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, севимли болалар шоирлари Миразиз Аъзам, Қавсар Турдиева, адабиётшунос олим Баҳодир Карим, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти илмий ходими Иброҳим Каримов, «Истиқбол» газетаси муҳаррири Абдусаттор Ҳотамов ва бошқа жонкуяр инсонлар зиё масканимизга 2000 дан зиёд номдаги китоблар совға қилишди.

Учрашув китобсевар ўқувчилар учун ғоятда эсда қоларли ўтди. Улар таниқли шоирлар ижодидан баҳраманд бўлишди. Фаол китобхонлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Ҳаваскор ўғил-қизлар томонидан тайёрланган қизиқарли бадиий чиқишлар барчага манзур бўлди. Шунингдек, фидойи зиёкорларга маданият ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳло РАҲИМОВА**

## _Соғлигингиз ўз қўлингизда_

**_Айтайлик, сиз эҳтиётсизлик қилиб, бирор хатоликка йўл қўйдингиз. Ёки омад қуши қўлингиздан учиб, ишларингиз бирданига орқага кетди. Ҳар икки ҳолатда ҳам сиз тушкунлик, руҳан изтироб чека бошлайсиз. Бу руҳий изтироб эса бора-бора сизни тўшакка михлаб қўйиши мумкинлиги хаёлингизга ҳам келмайди. Баъзан руҳий зарбалардан қутулиш мақсадида ичиш ёки чекишга ружу қўясиз, сабр - тоқатни унутасиз, оқибатда касалингиз зўрайиб аҳволингиз баттар мушкуллашади._**

# ҲАЁТГА КУЛИБ ҚАРА
## шунда у ҳам сенга меҳрини сочади

Олимларнинг таъкидлашича, кайфият тушкунлиги, руҳан эзилиб юриш, дилсиёҳлик, нафрату ғазаб, доимий безовталик ва хавотирда кун кечириб яшаш оғир жисмоний хасталикларга сабаб бўлар экан. Бу узоқ кузатувлар асосида тан олинган ҳақиқат. Ахир руҳий ҳолатнинг вужудга таъсирини қадимги кишилар ҳам яхши билишган. Шунинг учун ҳам улар «ҳаётга кулиб қара, шунда у ҳам сенга жилмайиб боқади» деган ҳикматни айтиб қолдирганлар. Шифохонамизга келаётган беморларнинг ҳар бири билан суҳбатлашарканман, хасталикнинг бош сабаби турмушдаги қийинчиликлардан хавотирланиш, қўрқувга тушиш эканлиги маълум бўлади. Биз улардан руҳий изтиробдан қутулишлари учун турли маслаҳатлар берамиз, агар бу кор қилмаса дори - дармон йўли билан даволашга ўтамиз.

Бизга келаётган беморларнинг аксариятида невроз хасталиги мавжуд. Аслида неврозлар узоқ вақт давомида руҳий нотинчлик туфайли асабларнинг чарчаши, зўриқишидан юзага келадиган асаб тизими хасталигидир. Руҳий изтироб ва тушкунлик ҳисси қанчалик кучли бўлса, невроз ҳам шунчалик оғир тус олади. Сурункали кечаётган неврозлар айниқса хатарлидир.

Чунки, бундай ҳолатда кишида қон босимининг ошиши, меъда яллиғланиши, ошқозон яраси, йўғон ичак касалликлари ва бошқа оғир дардлар юзага келади. Шу нарса ҳам маълумки, неврозларда суяк мушаклари тонуси кўтарилади, бундай вақтда бемор салга чарчаб қолади, куч-мадори камаяди.

Мутахассис олимларнинг айтишича, кўпгина неврозлар оилавий нотинчликлар оқибатида келиб чиқади. Айтайлик, хонадонда эркак киши айрим сабабларга кўра ишламайди, рўзғор юки аёлнинг зиммасида. Қарабсизки, эҳтиёж кўпу маблағ оз. Натижада ўзаро жанжал авж олади, аёл ҳам, эркак ҳам бир -бирининг асабига зиён етказиши табиий. Ёки бошқа бир хонадонда келин ва қайнона келишмовчилиги шу оилада яшовчиларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ё бўлмаса кекса кишиларнинг сергаплиги ё инжиқлиги ҳам ён-атрофдагиларга анча малол келади. Хуллас, у ёки бу сабаб билан нотинчликлар юз бераверади, охир-оқибат асаблар зўриқиб чарчайди, руҳиятдаги бу ҳолатлар оғир жисмоний хасталикларга сабаб бўлади. Аслида бундай бўлмаслиги ҳам мумкин-ку. Бунинг учун киши ҳар қандай вазиятда сабрли бўлмоғи, иродасини ишга солиб, қийинчиликларни енгиб ўтиши керак. Ахир ақл ва ирода қувватидан фойдаланмасак, бир хатоликни деб атрофдагиларга заҳримизни сочаверсак, вақтинчалик омадсизлик туфайли қаҳр-ғазабимиз қайнаб-тошаверса, биз ўзимизни ожиз кимсалардек тутган бўламиз-ку!



Ҳар қандай киши агар иродали бўлса хасталикларнинг олдини олиши шубҳасиз!

Диспансернинг юқори малакали шифокорлари шаҳардаги етти юздан ошиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишади. Учтепа, Бектемир, Собир Раҳимов, Шайхонтохур, Чилонзор туманларидан келаётган беморлар шифо масканимиздан тегишли маслаҳатлар олишади, кундузги стационар шароитида даволанишади, физотерапия муолажаларини қабул қиладилар, фидойи шифокорларнинг мадади билан дарддан халос бўлиб, соғлом ҳаёт қучоғига қайтадилар. Яқинда шифо масканимизда қариялар учун 21 ўринли тиббий бўлим очилди.

Шунингдек, беморларнинг асоратсиз соғайиб кетишлари учун жамики имкониятлар яратилган. Ҳар битта бемор бу ерда бепул тиббий кўмакдан баҳраманд бўлади.

Шунингдек, никоҳ тўйидан олдин йигит ва қизни махсус савол-жавоблар орқали тиббий кўрикдан ўтказамиз. Чунки, келгуси авлодларимизнинг соғ-омон бўлишлари учун бу жуда муҳим. Бордию икки ёшнинг бирида руҳий хасталик учраса, албатта тўйга қадар муолажа белгилаймиз. Агар турмуш қуражак ёшлар ҳам руҳан, ҳам жисмонан соппа-соғ бўлишса оилада ҳеч бир муаммога ўрин қолмайди.

Шифо масканимизнинг мутахассис врачлари, ҳамширалари беморлар ва уларнинг яқинлари билан тез-тез мулоқот ҳамда учрашувлар ўтказиб туришади.

«Мақсадимиз бизга мурожаат этувчилар сонини кескин камайтириш, одамларни буткул соғ ҳолда кўришдир!» Ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар ўз самарасини бермоқда. Ахир невроз оқибатларини тушуниб етган бемор унга рўпара бўлишдан ўзини сақлайди-да, шундай эмасми. Хуллас, сиз хатолардан чўчиманг, ахир ҳаётда ким ҳам хато қилмайди дейсиз? Қалтис вазиятларда босиқ ва сабрли бўлишга ҳаракат қилинг. Жанжал чиққанда жаҳлингизни ичга ютишга ўрганинг. Кечиримлиликка одатланинг. Агар иродангизни ишлатсангиз, хасталик шундоқ ёнингиздан ўтиб кетади, қайта сизни безовта қилмайди!

**Шоҳиста ИБРОҲИМОВА, Тошкент шаҳар руҳий-асаб касалликлари диспансери бош шифокори**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.30

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

1 2 3 4 5 6